

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

АТ «Алоқабанк»

Бошқарув Раиси

К.Н.Ирисбекова

2022 йил "14" *октябрь*

Техник топшириқ

Жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар/онлайн микроқарзларни суғурталаш

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни
1	Ташаббускор номи	АТ «Алоқабанк»
	Лойиҳани танлашга жойлаштиришга асос бўладиган ҳужжат	Банк бошқарувининг 2022 йил <u>14</u> октябрдаги <u>461</u> -сонли Қарори.
2	Буюртмачи	«АЛОҚАБАНК» АТ
3	Танлов предмети	Суғурта хизмати
4	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси 4 А-уй
5	Объектлар манзили	Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри, Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Навоий, Тошкент вилоятлари, Қўқон шаҳри.
6	Танлов муддати	e-tender.uzex.uz сайтига жойлашгандан кундан 5 кун
7	Хизмат сифати учун кафолат муддати	150 ой
8	Танлов қиймати:	2 500 000 000 (Икки миллиард беш юз миллион) сўм.
9	Алоҳида талаблар	«АЛОҚАБАНК» АТ томонидан ажратиладиган кредитлар/онлайн микроқарзларни қайтмаслик хатарини

		суғурта қилиш ва қўйиладиган талабларни ўз вақтида бажариш
10	Танлов шартлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Иштирокчи суғурта ташкилотининг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги Гувоҳнома; 2. Иштирокчининг Лицензияси; 3. Ўзбекистон суғурта бозоридаги фаолияти камида 5 йилдан кам бўлмаган ҳолда фаолият юритганлиги; 4. Устав капиталининг миқдори 40,0 млрд сўмдан кам бўлмаслиги; 5. Рейтинг Агентлиги сертификатлари мавжудлиги (UZ AAA); 6. Иштирокчининг Буюртмачи билан ҳамкорлиги бўйича депозит маблағлари миқдори 5,0 млрд сўмдан кам бўлмаслиги; 7. Иштирокчининг Буюртмачи ўртасида ҳамкорлигига асосан суғурта ходисалари бўйича суғурта қопламалари миқдори ҳисобга олиниши (умумий суғурта тўлови шу жумладан, Буюртмачи ҳисобига тўланган суғурта қопламаси миқдори аниқ кўрсатилиши лозим); 8. Иштирокчининг Республика ҳудудлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда таркибий бўлинмалари мавжудлиги; 9. Таркибий бўлинмаларининг Буюртмачи филиаллари билан ҳамкорлиги мавжудлиги; 10. Қайта суғурталовчи ҳамкорлари тўғрисида маълумот; 11. Суғурта ходисаси содир бўлганда етказилган зарарни буюртмачи томонидан хабардор қилинган кундан 3 иш куни исида қоплаб бериши тўғрисида кафолат хати; 12. Иштирокчи ва Буюртмачи ўртасида танлов жараёни даврида низоли (суд) ҳолатлари мавжуд эмаслиги; 13. Ўзбекистон республикасининг барча ҳудудлари бўйича суғурта қопламасига маъсул ходимлар мавжудлиги;

		14. Иштирокчи ДСИ ва МИБ дан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
11	Мутахассисларга талаб	Танлов предмети бўйича белгиланган ишларни бажариш учун зарур бўлган профессионал кўникмаларга эга бўлган, кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги
12	Суғурта хавфлари бўйича талаблар	<p>Суғурта ҳодисаси – Кредит олувчи Суғурта қилдирувчи олдида мажбуриятни бажармаган ёки қисман бажармаган ҳолат содир бўлиши билан Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчига суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбуриятини юзага келтириб чиқарадиган воқеа. Бунда Суғурталовчи Суғурта шартномаси шартлари ва кутиш давридан келиб чиқиб Кредит олувчи Суғурта қилдирувчи олдида мажбуриятни бажармаган ёки қисман бажармаган ҳолат содир бўлиши билан Суғурта қилдирувчига Кредит олувчининг муддати ўтган кредит қарздорлиги ёки барча кредит қарздорлиги учун суғурта товони тўлашни амалга оширади.</p> <p>Кутиш даври – а) Кредит олувчининг Суғурта қилдирувчи олдидаги Кредит шартномасига асосан мажбуриятини қисман ёки умуман бажармаганида содир бўладиган, муддати ўтган қарздорлик вужудга келган (Кредит шартномасининг Тўлов жадвалида белгиланган тўловни қисман ёки умуман амалга оширилмаганда) санадан кейинги 60 (олтмиш) календарь кун.</p> <p>б) Кредит олувчи Суғурта қилдирувчи олдидаги Кредит шартномасига асосан ўз мажбуриятларини қисман ёки умуман бажармаганида содир бўладиган, муддати ўтган қарздорлик вужудга келган (Кредит шартномасининг Тўлов жадвалида белгиланган тўловни қисман ёки умуман амалга оширмаган) санадан кейинги 90 (тўқсон) календарь кун (ушбу муддат мазкур банднинг а) кичик бандида кўрсатиб ўтилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда ҳисобга олинган кутиш даври (60 календарь кун) га қўшимча 30 (ўттиз) календарь кун қўшилган ҳолда ҳисобланади);</p>

		<p>Бунда ушбу шартнома бўйича кутиш даврида Суғурталовчи Кредит олувчининг Суғурта қилдирувчи олдидаги барча қарздорлигини (асосий қарз шу жумладан муддати ўтган асосий қарз ва ажратилган кредитга ҳисобланадиган фоизлар шу жумладан муддати ўтган фоиз қарздорлиги ҳамда муддати ўтган асосий қарздорлик учун ҳисобланадиган барча фоизларни) ҳисобга олган ҳолда суғурта товонини тўлайди.</p>
13	Суғурта товони тўланиши талаблари	<p>Суғурта товони – Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган тартибда суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи кўрган зарарларини - Кредит шартномасига асосан асосий қарз ва ажратилган кредитга ҳисобланадиган фоизлар ҳамда муддати ўтган қарздорлик учун ҳисобланадиган барча фоизларни ҳисобга олинган миқдорда (хар бир Кредит шартнома бўйича алоҳида) Суғурталовчи томонидан тўлайдиган пул маблағлари миқдори (зарарни қоплаб берилган маблағ):</p> <p>а) кутиш даврининг 60 (олтмиш) календарь куни ўтганида Суғурталовчи ушбу муддат давомида Кредит олувчининг юзага келган барча муддати ўтган кредит қарздорлигини (муддати ўтган асосий қарз ва муддати ўтган фоиз қарздорлиги ҳамда муддати ўтган асосий қарздорлик учун ҳисобланадиган барча фоизлар) ҳисобга олган ҳолда 3 (уч) банк иш куни ичида суғурта товонини тўлайди;</p> <p>б) кутиш даврининг 90 (тўқсон) календарь куни ўтганида Суғурталовчи Суғурта шартномаси бўйича Кредит олувчининг Суғурта қилдирувчи олдидаги барча қарздорлигини (асосий қарз шу жумладан муддати ўтган асосий қарз ва ажратилган кредитга ҳисобланадиган фоизлар шу жумладан муддати ўтган фоиз қарздорлиги ҳамда муддати ўтган асосий қарздорлик учун ҳисобланадиган барча фоизларни) ҳисобга олган ҳолда 3 (уч) банк иш куни ичида суғурта товонини тўлайди;</p>

		<p>зарар - Кредит олувчи Кредит шартномасига асосан асосий қарз ва унга ҳисобланадиган фоизлар ва муддати ўтган қарздорлик учун ҳисобланадиган фоизларни Кредит шартномаси шартларида белгиланган тартибда ва муддатларда (ўз вақтида) Суғурта қилдирувчига қопламаган (тўламаган) пул миқдори.</p> <p>зарар кўрилган сана – кутиш даври ўтганидан сўнг, биринчи календар куни;</p>
14	Танлов ҳужжатларини тақдим этиш:	e-tender.uzex.uz электрон портали комиссияси
15	Маълумотлар учун телефон	Маълумотлар учун телефон
16	Электрон почта	info@aloqabank.uz
17	Ушбу эълон билан “Алоқабанк” АТ танлов иштирокчилари билан шартнома тузиш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.	

Чакана кредит маҳсулотларини
сотишни мувофиқлаштириш
бошқармаси бошлиғи



Ж.Жуманиёзов

